

Тошкент машинасозлик заводи мамлакатимиздаги пахта тозалаш корхоналари учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаради. Бу ердан пахта заводларидаги хомашёни қайта ишлаш учун зарур транспорт қурilmалари, пахтани тойлаш ускуналари ва юклагич каби эллиқдан ортиқ турда маҳсулот жўнатилмоқда.



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 24 июл, чоршанба № 118 (1335)

БЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

(ЎЗА)

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

«ТАДБИРКОР АЁЛ» УЮШМАСИ

кичик ва ўрта бизнес ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида таъкидланганидек, республикамизда шу йилнинг олти ойи ичида тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 200 минг янги иш ўринлари яратилди. Бу эса мўлжаллагидан 1,5 баравар кўпдир. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришидаги улуши 31,6 фоиздан 33 фоизга ўсди. Бунда республика «Тадбиркор аёл» уюшмасининг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Адлия вазирлиги томонидан 1991 йили рўйхатга олинган уюшмани мустақиллик қалдирғочларидан бири дейиш мумкин. Айни чоғда у нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки АКШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Италия каби ривожланган давлатлар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган. Уюшманинг шу кунга қадар 150 га яқин халқаро анжуманларда иштирок этганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

— Асосий вазифамиз бозор муносабатларининг вужудга келиши жараёнида хотин-қизлар иштирокини ташкил этиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқида бўлганларга яқиндан ёрдам бериш, - дейди уюшма раиси Дилдора Алимбекова. — Лекин, кези келганда айтишим лозимки, уюшма фаолиятини йўлга қўйиш бошланганида унчалик осон кечмади. Не-не тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келди. Интилишларимиз бесамар кетмади. Уюшма тез орада юзлаб аёлларнинг орзу-умидларига қанот бўлди, умидворлик, ишонч, ҳурят берадиган даргоҳга айланди.

Бугунги кунда уюшманинг Тошкент шаҳри ва вилоятларда 14 та бўлими мавжуд

да кредит иттифоқининг ташкил этилиши жуда яхши самара бермоқда. Ушбу кредитлар ҳисобига 250 нафар аёл иш юритиш, компьютер таълимоти, кичик босмахона, маҳаллаларда тикув цехлари ишга тушириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича тахсил олди. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ яқинда Тошкент шаҳрида «Ишонч» кредит иттифоқи ўз иштини бошлади.


«Аёллар ҳуқуқлари ва демократия», «Бизнес режа тузиш», «Молиявий баркарорлик», «Ижтимоий ҳамкорлик», «Солиқ ва ҳуқуқ» каби семинарларда 2065 нафар хотин-қиз иштирок этди.

Фақат бугина эмас: уюшмага мурожаат қилганларга бизнес режани қандай тузиш кераклиги, қонунлар, кредит олишнинг тартиблари ҳақида маслаҳатлар, тушунтиришлар берилмоқда. Шу кунгача кредит олишда 84 нафар тадбиркорга кўмак берилди.

Шунингдек, бир ойда икки марта жойларда мутахассис раҳбарлар, солиқ, ҳуқуқ, банк ходимлари, тадбиркорлар палатаси мутахассислари билан учрашувлар ўтказилади.

Уюшма соғлом авлодни тарбиялашда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. «Иқбол» ёшлар, «Хамса» хунармандлар марказларини бунга мисол тариқасида келтириш мумкин.

Комила БОЙМУРОДОВА, «Ишонч» мухбири.



Бу йил Нуробод тумани хўжалиқарида қўшниқларнинг билан турман миришкорларининг қувончи чексиз. Бу ердаги «Олга» «Истиклол», Акрам Худойкулов номли ширкат хўжалиқарида дав-



латга галла топшириш шартномавий режаси ортиги билан бажарилди.



Суратларда: Нуробод дон хиссадорлик жамиятининг галла қабул қилиш пунктида. Т.НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Истиқлолимизнинг 11 йиллиги олтидан

КОНСТИТУЦИЯ - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Истибод даври тузуми фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий маърифатсизлигидан манфаатдор бўлгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Мустақиллик шароитида янгица бошқарув тизимига ўтилишининг моҳияти нималарда кўрилади, вақиллик ва ижроия ҳокимиятини шакллантириш ва назорат қилишда халқнинг иштироки қандай бўлиши керак, қонунларни билиш фуқароларнинг кундалик турмушида қанчалик асосатди? Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Баҳодир ЭШОНОВ билан ЎЗА мухбирининг суҳбати шу хусусда.

Баҳодир Отабоевич, мустақилликка эришганимизга ўн бир йил бўляпти, энг улуг ва энг азиз нэмат - Истиқлолнинг аҳамияти ҳамда Конституциянинг ҳурриятимизни мустақамлашдаги ўрни ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Биз бу йил Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган кунни ўн биринчи марта байрам қиламиз. Ўзбекистонда яшаб турган ҳар бир инсон бугунги кунда мустақилликнинг ҳаётимизга таъсирини теран ҳис этмоқда. Ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ижобий ўзгаришлар кўлами тобора кенгайиб, халқимизнинг турмуш даражаси юксалмоқда, танланган йўлнинг тўғрилигига

ишончимиз тобора мустақамланаётди. Мустақиллик куни - шунчаки байрам эмас. Бу - кўзлаган манзилимизга қайси йўл билан ва қандай одимлар ташлаб бораётганимизни яна бир бор муҳофаза қилиб кўриш, таҳлил қилиш фурсати. Бу Осиё марказидаги янги демократик давлатнинг аста-секин қадди-қоматини тиклаб, истисно қилиш бўлса, яратувчи кадрларни қарор топштиришга қўмақлашди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон - суверен демократик республика эканлиги белгилаб қўйилган. Давлат суверенитети моҳиятини очиб кўрсатиш учун, энг аввало, мустақиллик Ўзбекистон учун қандай маъно касб эти-

барлари, таниқли сиёсатчилар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар назаридан тушмаётди. Бу уларнинг Ўзбекистон халқи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида янги, жамият қуриш йўлида улкан ютуқларга эришганини эътироф этаётганидан яққол далолатдир.

Бу ютуқларда Бош Қомусимиз - Конституцияимизнинг алоҳида ўрни бор. Унда белгиланган қонунийлик, қонун олдида тенглик тамойиллари, миллий давлатчиликни қуришнинг демократик асосларини белгилловчи меъёрлар, ижтимоий, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни, фуқаронинг жамият олдидаги, давлатнинг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини ўз ичига олган нормалар жамиятда юксак маънавий кадрларни қарор топштиришга қўмақлашди.

Давлат суверенитети моҳиятини очиб кўрсатиш учун, энг аввало, мустақиллик Ўзбекистон учун қандай маъно касб эти-

шини, унинг ўзбек халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги тарихий ролини, қандай ютуқларга эришганимизни ҳамда миллий давлатчилигимиз, сиёсий, ижтимоий ҳаётимиз қандай йўналишда тараққий этишини кўрсатиб бериш керак. Ушбу ва бошқа кўплаб саволларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан жавоб топиш мумкин.

Конституция дунё харитасида мустақил Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганлигини қонуна мустақамлади. Бу билан халқимизнинг давлат суверенитети тамойилларига содиқлиги тасдиқланди. Мустақил демократик давлатнинг моҳияти халқ, дахлсиз ҳудуд ва халқ ҳокимиятидир. Ушбу конституциявий тамойиллардан келиб чиқадиган бўлса, давлатимиз озоддир ва ўз ихтиёрига кўра, бошқа мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган меъёрларини бузмаган ҳолда ўзининг ички ва ташқи масалаларини ҳал қилади. (Давоми 3-бетда)

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Хумсон кишлоғида жигар, ошқозон ва ўт пуфағи касалликларини даволашга мўлжалланган янги санаторий фойдаланишга топширилди. Шу ернинг ўзида мазкур касалликларга даво берилган бўлса, сувини қадқоқлаш цехи қурилиши ҳам бошланди.

УГАМ ДАРЁСИ БЎЙИДА

Сихатгоҳда барча қулайликларга эга бўлган бош бино, 140 кишига мўлжалланган 5 та икки қаватли кotteж, 150 ўринли ошхона, катталар ва болалар учун чўмилиш ҳавзалари мавжуд. Турли мева ва манзарали кўчатлар ўтказилиб, боғ яратилди.

Угам дарёси қирғида қурилган чойхона ва кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилувчи дўконлар ҳам даволанувчилар хизматида бўлади. «Ўзбекистон савдо» акциядорлик компаниясига қарашли қурилиш-монтаж ва пардозлаш ташкилотлари бунёд этган мазкур санаторий тўлиқ фаолият кўрсата бошлагач, Хумсон кишлоғида яшовчи 150 нафар киши иш билан таъминланади. (ЎЗА)

Табиат ва биз

Тоғ ёнбағирлиги, дарё соҳилларидаги ўрмонларни қўриб кўзатиш қувнади. руҳингиз ором олади. Бундан ташқари, ўрмонлар экологик жиҳатдан ҳам фойдалигини яхши биламиз. Самарқанд вилоятида 1933 йилда ўрмончиликка асос солиниб, Самарқанд ва Каттақўрғон ўрмон хўжалиқлари ташкил этилган. Ушундан асосий мақсад тоғ эрозиясининг олдини олиш эди. Кейинчалик ўрмончилик ривожлантирилиб, ўрмон экинликка 27 минг гектардан ошиб кетди.

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

— Республикаимиз мустақилликка эришган, соҳага эътибор кучайди, - дейди вилоят ўрмон хўжалиғи бошқармаси бошлиғи Баён Хуррамов. - 1994 йили Вазирлар Маҳкамаси тарафидан ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилганди. Шунга кўра вилоятимизда Жомбой, Оқдарё, Иштихон, Нарпай, Пахтачи тараққил хўжалиқлари фаолият кўрсата бошлади. Бундан асосий мақсад ўрмончиликнинг олдини олиш ва аҳолининг ёғочга бўлган эҳтиёжини қондириш эди.

Ўрмончилар фақат шу билан чекланиб қолишмаган. Ўрмон хўжалиқларида махсус кўчат этиштириш йўлга қўйилган бўлиб, бугун вилоят бўйича 50-60 гектар кўчатхона бор. Уларда мева, манзарали, ёғочбоп дарахт ниқоллари этиштирилади. Масалан, қрим қарағайи, тоғ арчаси каби ноб дарахт кўчатларини шу ердан топиш мумкин. Шунинг ҳисобига вилоятдаги ўрмонлар кенгайтирилиб, янгилади. Эҳтиёждан ортиб қоладиган 200 минг тул кўчат фермерларга, аҳолига сотилади. Ҳозир ёғочзорлар барпо этиш устида иш олиб бориляпти. Бу ноб дарахтнинг мевасига ҳам, ёғочига ҳам эҳтиёж катта. Кейинги пайтларда бу дарахтнинг ҳавони тозалашдаги ўрнини мутахассислар алоҳида эътироф этишмоқда.

Ўрмончиларнинг халқ хўжалиғини ривожлантиришига, аҳоли турмуши фаровонлашувига қўшаётган ҳиссасини биргина мисолда яққол ифодалаш мумкин. Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари етказиб бериш йилига ўртача 30 фоизга кўпаймоқда. Ўрмон хўжалиғи тасарруфидида цехда эса стол, стул, хонтахта ва бошқа жиҳозлар тайёрланмоқда. Тармоқ ходимларининг иш шариоатларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш, манфаатдорлигини ошириш ҳам назардан четда қолмаган. Шу мақсадда хўжалиқлар ҳудудидида боғлар ишчиларга ижарага берилган. Шартномага кўра ҳозирнинг 50 фоизи ижарага берилди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ўрмончилик борасида хали кўп иш қилиниши керак. Илгаридан фаолият кўрсатаётган Самарқанд, Каттақўрғон, Саройқўрғон ўрмон хўжалиқларида аҳоли қониклари бўлгани билан янги ўрмон хўжалиқларида техника етимишаслиги муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Махсус техника воситалари ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Фикримизча, тараққил хўжалиқларини ҳам ўрмончиликка тўла ихтисослаштириш фурсати етди. Зеро, халқимиз ўрмончиликни етти хазинанинг бири деб бежиз айтмаган.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ТУХФА

Бўстонлиқ туманидаги Янгиовул ширкат хўжалиғи ҳудудида янги қўшқоқ врачлик пункти ишга тушди. 50 ўринли ушбу шифо масканида 17 нафар малакали шифокор олти ярим мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади. Пунктда терапия, педиатрия, физиотерапия бўлимлари, лаборатория, эмлаш хоналари мавжуд. Даволаш хоналари замонавий тиббий ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминланган.

Шундай қилиб, туманда қишлоқ врачлик пунктлари сони 8 тага етди. Туманинг Абай жамоа хўжалиғи «Қарабой» кишлоғидаги шифохона қурилиши ҳам Мустақиллик байрамининг 11 йиллик тўйиғига нисбатан етказилди.

Бахтли болалик ва порлоқ келажақ ёшларга яратиб берилган бугунги шарт-шароитга ҳам боғлиқ эканини барчамиз яхши биламиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, уч ойлик таътилнинг ўз ўрни бор. Ҳўш, бу борада жойларда аҳоли қандай?

Янгиқўрғон Наманган вилоятининг табиат ардоқлаган масканларидан. Бу ернинг осмонупар тоғлари, шарқирок сойлари, кўз етмас боғларию ям-яшил экинзорларини таърифлаб адоғига етиш қийин. Унинг қаймоққа монанд ҳавоси, экологик тоза мевалари минг бир дарднинг давоси. Шу боисданки, Орлобўйи ва унга туташ минтақалардан келган ўқувчиларнинг асосий қисми худди шу масканда дам олдириляётгани бежиз эмас.

Нукус шаҳри мактаблари ўқувчилари хордиқ чиқарган «Атлас» болалар оромгоҳидамиз. Шундоқ қўл чўсангиз етгудек жойда қад керган. Нанай ва Қўкёр қишлоқларини ҳалқадек ўраб турган тоғлардан эсаётган салқин шамол кишига роҳат бағишлайди. Тосдан-тошга урилиб оқаётган қумуш сой нигоҳингизда жилваланади.

ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИГАН ОРОМГОҲ РАҲБАРИ

— Биринчи босқичда қораллоқ қардошларимизнинг 31 нафар фарзанди бизда хордиқ чиқариб кетишди. - дейди оромгоҳ раҳбари Рустамжон Холқов. — Уларнинг ёзи таътиллари кўнглили ўтказишлари, яхши таассурот билан қайтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб бердик. Қуни-кеча миннатдорчилик мактуби ҳам олдик. Улар ўз хатларида Наманган заминидан ўтказган кунларини бир умр унутмасликларини ёзишди.

Ҳозирда ҳам оромгоҳда вилоят мактабларининг ўқувчилари мириқиб хордиқ чиқаришяпти. Умуман, бу мавсумда 720 ўқувчини соғломлаштириш кўзда тутилган. Бош етакчи Наимахон Насриддинова, тарбиячилардан Гулнора Хайдарова ва Мусаффо Камолвалар ҳар бир куннинг мароқли кечиши учун астойдил жон куйдиришган бўлсалар, Тоҳиржон Фазлиддин бошчилигидаги ошпазлар гуруҳи мазали таомлар пишириб, ўқувчиларни хушнуд этишяпти. Уш, ҳамма жойда аҳоли бирдекми?

— Вазонинг ўнг қанотида мутасаддиларнинг беларволигидан фойдаланиб пул кетидан қувган айрим «шаввозлар» тегирмон қуриб олинган экан. Яхшики, фаолларнинг аралашуви билан ноҳоз «тадбиркорликка» барҳам берилибди.

Сой соҳили бўйлаб юрсангиз ошхона ботиноси яқинига қачонлардир ота-оналар учун қурилган икки айвончаннинг қаровсизликдан пуртудан кетиб, тахталари кўчиб ётганини кўрасиз. Уларни тўзатиб қўйиш эса ҳеч кимнинг эсига келмайпти. Ётоқхоналар ҳолатини ҳам қоникарли, деб бўлмайди. Қўнчилик хоналарнинг полида ҳеч нарса йўқ, Ахир, биргина лениолумга оёқ босиш билан шамоллаб қолиш ҳеч гап эмас-ку! Биринчи қор-иқинчи қаватидаги 7-, 8-хоналарнинг эшиклари ёнидаги деворлар кўчиб, гиштлири кўриниб ётибди. «Қизларнинг

гигиеник хонаси» деб ёзилган хонада синиқ графиндан бошқа ҳеч вақо йўқ. Ҳатто, оддий стол-стул ҳам қўйилмаган. Ҳар икки ётоқхона бинолари, умуман, заллар шип-шыйдон, кўрғасмали воситаларни учратмайсиз.

«Маънавият хонаси»даги ҳолат ҳам ночор. Вилоят ва туман газеталарининг қачонлардир чиқарилган сонлари тахталарни ҳамда шафдаги болалар ёшига мос келмайдиган айрим китобларни айтмасангиз, умуман, ўқувчиларга мос адабиётлар, газета-журналлар кўринмайди. Айниқса, оромгоҳ раҳбари Соҳибжон Қўзибоевнинг республика миқёсида нашр этиладиган биронта газета ёки журнал номини айтиб бера олмаганиги, уларнинг биронтасини яқин вақт ичида қўлига олмаганиги бағоят ажаблантириш ҳолдир.

Оромгоҳ болаларининг жисмонан бақувват бўлиб воғға етишларидигана эмас, маънавий камолотида ҳам катта аҳамиятга эга. Буни бахтга қарши баъзи мутасаддилар унутиб қўйишяпти.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.



Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий химоялаш, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялаш устувор вазифа қилиб белгиланган. Қашқадарё вилоят оналар ва болалар касалхонаси Қарши чўлининг олис шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилаётган аёлларимизнинг соғлигини тиклаш, болаларнинг ҳисмоний бақувват, турли касалликлардан фориғ бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

сутининг моҳияти», «Ҳомилдорлик даврида оналарнинг овқатланиши», «Атроф-муҳити она ва болага таъсири» сингари мавзуларда семинарлар ташкил этилди ҳамда диагностика текширувдан ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб ке-

Репродуктив саломатлик: БОЛА КУЛГУСИ ТУТСИН ОЛАМНИ!

Даволаш-профилактика ишларини яхшилаш, беморларга доимо хушмуомалада бўлиш жамоанинг асосий мақсади. 450 ўринли шифо масканда ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган неврология, гематология, алергология, ревмакордиология, пульмонология бўлимлари қайтадан шакллантирилди. Янгитдан реабилитация, диагностика-текширув, биохимик-клиник лаборатория, чақалоқлар хирургияси, қизлар гинекологияси каби бўлимлар ташкил этилиб, даволаш шохобчалари сони 18 тага етказилди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 13 минг нафар она ва бола ўз соғлигини тиклаётган ушбу даргоҳда 101 нафар олий маълумотли шифокор, 276 малакали ҳамшира фаолият кўрсатаяпти. Гўдақларни ўз фарзандларидек ардоқлаётган шифокорлар Д.Тошнизо, А.Норбоев, Г.Пўлатова, тиббиёт фан-

лари номзодлари Қ.Нурмухамедов, Ж.Эргашев, Ф.Абдуллаевларнинг хизматидан барча мамнун. Маскан ҳодимларининг саъй-ҳаракати самараси ўлароқ воҳада болалар ўлими кескин камайиб, беморларнинг касалхонада бўлиш кун қисқариб бормоқда. Шифоҳона Тошкент педиатрия, тиббиёт, гематология, кўкрак хирургияси, Самарқанд врачлар малакасини ошириш институти, республика акушерлик ва гинекология олийгоҳининг вилоят филиали билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёрдами билан эса 13 хилдаги энг зарур дори-дармонларни келтириш учун мурувват ёрдами сифатида Япония гранти олинди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган дастурлар асосида «Ёш оналар мактаби» ишлаб турибди. Ўтган даврда 500 дан ортиқ турқў ёшдаги аёллар «Ҳомила гигиенаси», «Она

лаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига жавобан шифоҳона маъмурияти воҳанинг Қарши, Баҳористон, Усмон Юсупов туманларида бўлиб оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни турмушга тайёрлаш, инсталмаган ҳомиланинг олдини олиш, ўсимир қизлар гигиенаси каби мавзуларда мулоқотлар ўтказдилар. Бундан ташқари, кам таъминланган болали оила-ларга, ногиронларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам яхшиланди. — Фарзандни соғлом, фазилатли инсон сифатида камол топтириш ота-онанинг мақсади олдидан бундан буюк бахтидир, — дейди шифоҳона бош вақри Эркин Нодиров. — Донишмандлар бир болада етти кўшининг ҳақи бор, деб бежиз айтишмаган.

И.ИСОМИДИНОВ.

АЖОЙИБ КЎПРИКЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги олдидан жойларда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Йўловчиларнинг узоғини ақин, мушкулни осон қилиб, кўприк қуришни катта савоб дейишади. Дарҳақиқат, кейинги йилларда шаҳарларимиз кўчаларини кенг ва раво қилиб таъмирлаш, ҳайдовчиларга қулайлик яратиш ниятида бундай иншоотларни қуришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай кўприклар автомобиллар учун қанчалик қулайлик яратишини ҳайдовчилар яхши билишади.

Яққасарой туманидаги Усмон Носир ҳамда Фарҳод кўчалари кесхишувидан барпо қилинаётган кўприк қурилишига ўтган йилнинг октябр ойида киришилган. Еттинчи кўприк қурилиш трестига қарашли 13'отряд кўприк созулари ҳозирда ўз вазифаларини тўлиқ бажариб, ишнинг давомини махсус йўл қурилиш бошқармасига топширишди. Айни вақтда, бу ерда кўприк устини асфальтлаш, атрофини ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шундай қилиб яқин кунларда пойтахтда узунлиги 133 метр, эни эса 30 метр кенгликда бўлган яна бир кўприк фойдаланишга топширилади. Йўл созуларнинг таъкидлашича, ҳайдовчилар мазкур кўприк хизматида Мустақиллик кўни - 1 сентябрдан бошлаб фойдаланишди.

«Туркистон-пресс»



Дўстлик туманида 4 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, марказий шифоҳона, дорихона ва табобатхоналар аҳоли хизматида. Уларда 520 нафар малакали тиббиёт ходими эл саломатлигини сақлаш йўлида камарбаста. Айни пайтда туман соғлиқни сақлаш бўлимининг саъй-ҳаракатлари туфайли чет эл инвестициялари жалб қилиниб,

зарур тиббий ускуналар келтирилди. Уларни ўрнатиш ва самарали фойдаланиш ишлари олиб борилмоқда. **Суратларда: врачлар Муҳаммад Муродов ва Баҳриддин Қўйбоқаровлар беморлар ҳузурига шошилмоқда; моҳир шифокор Фарҳод Эшонкулов текшириш-ташхис марказида.** **Ш.АКРАМОВ олган суратлар.**

МАРОҚЛИ ДАМ ОЛИШДИ

Юнусобод туманидаги «Зилола» ёзги дам олиш оромгоҳида республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими ва Миробод туман Болалар ташкилоти билан ҳамкорлигида «Камолот кунлари» ўтказилди. Унда 300 нафардан зиёд оромгоҳда дам олаётган болалар иштирок этди. Ўқувчи ёшларни ёзги таътил давларини мароқли ўтказиш мақсадида мазкур тадбир ташкил қилинди. У икки қисмдан иборат бўлди. Биринчи қисмда спорт майдончасида футбол мусобақаси, уйин майдончасида «Биз наркотикка қаршимиз» мавзусида асфалтга расм чизиб бўйича мусобақа, кутубхонада «Буюк Ипак йўли» мавзусида викторина, «Кувнок стартап» каби мусобақалар ўтказилди. Иккинчи қисмда эса «Камалак» болалар ташкилотининг «Умид», «Маънавият ва маърифат», «Меҳр-шафқат», «Олтин-мерос», «Соғлом авлод», «Ватанпарвар», «Экосан» каби йўналишига бағишланган мусиқий шоу-дастур намойиш этилди. **«Туркистон-пресс»**

Ислоҳот одимлари

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган. Бундан ташқари амалга оширилаётган ишлар миқдорини кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида фойдали масканда кенг қўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

йил охиригача яна иккита ана шундай замонавий шифо маскани ўз фаолиятини бошлайди. Му-

«ИСТИҚЛОЛ»НИНГ ШИФО МАСКАНЛАРИ

Жумладан, «Истиқлол» ширкат хўжалигидаги участка шифоҳонаси «Шуҳрат» фермер хўжалиги томонидан хусусийлаштириб олинди. Ҳозирда шифоҳона замона талабларига мос равишда таъмирланиб, энг яхши тиббий жиҳозлар ўрнатилмоқда. Яқин вақт ичида терапевтик ва кардиологик касалликларни даволашга ихтисослашган даргоҳ беморларга малакали тиббий хизмат кўрсата бошлайди. — Ўтган ҳафтада «Машъал» жамоа хўжалиги ўрамада 70 қатновга мўлжалланган қишлоқ врачлик

пункти фойдаланишга топширилди, — дейди туман солиқни сақлаш бўлими бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Иброҳим Исмоилов. — Шифоҳонани қисқа муддатда бунёд этишда темир-бетон ишлаб чиқариш корхонасининг кўчма механизациялашган жамланмаси қурувчилари жонбозлик кўрсатишди. Кираверилгандаги фаввора, ўзига хос услубда қурилган бино ён-атрофга кўрк бағишладди. Яқинда 21 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-анжомлар келтирилди. Эътиборлиси шуки, жорий

Қ.ШОКИРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Ўзбекистон банклари уюшмасида «Western Union» компаниясининг бир йиллиги бағишлаб анжуман ўтказилди. Бизнес банк Ўзбекистон банклари орасида биринчилардан бўлиб, аҳолига тезкор пул хўжатлари хизмати «Western Union» халқаро тизимини тақдир қилганди. Айни кунда ундан 300 дан зиёд мижоз фойдаланмоқда.

«WESTERN UNION» БИР ҲАФТА

«Western Union» телеграф компанияси 1851 йилда асос қилинган. Бугунги кунга келиб компания хизмат доираси 190 мамлакатни қамраб олган. Компания 2001 йил Ўзбекистонда ҳам иш бошлади. Анжуманда сўзга чиққан компания вакиллари ер юзи бўйлаб унинг 100 минг шохобчаси ишлаётганини таъкидлашди. Айни чоғда мамлакатимизда пул хўжатлари бўйича бошқа тизимлар ҳам иш бошлади. Шунга қарамай «Western Union» рақобатдан қўрқмайди. Бунга асос бор. Биз рақобатдан қўрқмаймиз чунки тезкор, юқори сифатли ишончли хўжатларга эҳтиёж бўларкан. Бизга талаб бор. «Western Union» тизимидан пул хўжатмаси йўқолиб қолган ҳол бирор марта ҳам қайд этилмаган. «Western Union» бу ишончли хўжатма демакдир, деди компания ходимларидан бири. Бизнес банк раҳбари ва жамоаси туфайли ойна «Western Union» тизими орқали олти минг пул хўжатмалари амалга оширилмоқда. Ўтган бир йил ичида 25 минг мижоз компания хизматида фойдаланган. Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий пул хўжатмаларидан 82-85 фоизини ташкил этади. **«Туркистон-пресс»**

«ФАРЗАНД» МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Қорақалпоғистон Республикасида ташкил этилган «Фарзанд» маркази томонидан Қонлиқул туманида «Она саломатлиги» бўлими очилди. Бу ерда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ҳомилдор аёлларга маблағ бериш, камқонлик ва бошқа хасталикларга қарши бепул дори-дармонлар тарқатиш кенг йўлга қўйилди. — Бўлим асосан аёллар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди «Фарзанд» маркази раҳбари Орол Отаниёзова. — Малакали мутахассис-мураббийлар ўн бешдан ортиқ йўналишлар бўйича ўқув машғулоти олиб бормоқда. Машғулотларда тингловчиларга оила гигиенаси, она ва бола саломатлиги, чақалоқларни турғи овқатлантириш юзасидан назарий билимлар берилади. Бўлимга мувожаат қилиб, машғулотларда тўлиқ катнашган ҳомилдор аёлларга туғиш пайтида бепул тиббий хизмат кўрсатилади. **(ЎЗА).**

«Ишонч» фойш этади

хўжалигига қарашли эски дала шийпони ертўласида Ҳаққулбод йиғирув-тўкув фабрикасида сотиб олинган 10 та тўкув дастгоҳини ўрнатиб яширин цех ташкил этган. Текширув ўтказилган кунда 10 та тўкув дастгоҳининг барчаси гуволаб ишлаб турарди. 18 килограмм қалава ва 300 метр тайёр доқа маҳсулоти сотувга тахт қилиб қўйилганди. Уларнинг барчаси

нақулво кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Муҳиддин Ражабов ўз ҳовлиснинг этагида очган эди. Уша кунда цехдан маълум миқдорда кунжара, мойжувоқ ва бошқа хил молламар дилий ашё сифатида олинди.

Кейинги ойларида вилоятдаги Нарпай туман солиқчиларининг фаолиги ҳам ошди. Улар яқинда миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда бир гуруҳ сохта тадбиркорлар йўлига гов солдилар. Текширув ўтказилган кунда фуқаро Элмира Очилова «Москвич-408» русумли автомашинада 221 шиша турли ёрликли ароқлар, 90 шиша вино, 48 литр спирт олиб келаятган эди. Спиртли ичимликлар қуйилган шишаларга бир хил рақамдаги қалбаки акциз маркалар елиманган. Уларнинг уй шароитида тайёрланганлиги қопқоқлари ва ёрликларидан шундоққина билиниб турарди.

Давлат белгиси Ж 28-25 СН бўлган автомашина тўхтатилиб яна бир жиноий хатти-ҳаракатнинг олди олинди. Унда Оқтош шаҳар К.Сунонов кўча 38-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Мўмин Абдуллаева тегишли 956 минг 630 сўмлик хўжатсиз турли хил тамаки маҳсулотлари бўлган. Мўмин уларни энг ичида устама нарҳларда пуллагани Тошкентга олиб кетаётган экан. Сафари шу ерда қариди. Кўза кунда эмас, кунда синади, деганлари шу-да.

Жасур НОСИРОВ.

БАХТСИЗ ҲОДИСА ТАСОДИФ ЭМАС

Сирдарё вилоятида ўтган олти ой ичида қайд этилган ишлабчиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар сони ўн тўққизтани ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп демакдир. Хўш, нега шундай бўлди? Биринчидан, баъзи жамоаларда иш берувчининг масъулиятсизлиги боис меҳнат муҳофазасига доир меъёрий ҳужжатлар талаби қўпол тарзда бузиб келинмоқда. Бундай нуқсон ва халотларга йўл қўйган 38 нафар мансабдор шахсга маъмурий қоралар қўлланилди. Лекин, улар бундан тегишли хулоса чиқариб олмаётдилар. Назорат қилувчи органлар ишини мувофиқлаштириш республика Кенгашининг тасдиқланган иш режасига асосан 298 та корхона ва ташкилот текширилиб, меҳнат муҳофазасига доир қонун ижроси ўрганилиб чиқилди. Қайд этилган қамчилик ва нуқсонларни бартараф этиш чора-тадбирлари қўрилди.

Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қондаларига панжа орасидан қараш туфайли 7 нафар киши оғир тан жароҳати олганлиги қайд этилди. 5 нафар киши эса ҳаётдан кўз юмди. Шу йилнинг 16 май кунда Шароф Рашидов туманидаги 45-Пахтабод автокорхонаси таъмирловчиси Николай Тихонов эҳтиётсизлиги боис қаттиқ тан жароҳати олиб, оламдан ўтди. Бу маъшум ҳодиса содир бўлмаслиги, унинг олдини олиш мумкин эди. Аммо лоқайдлик жоғега сабаб бўлди. Воқеа қуйидагича содир бўлган. Паз-672 русумли, 83-99 СИЛ рақамли автобус ҳайдовчиси Зафар Бойсариев автомашина шиналарини ҳаво билан тўла-

тиб олишни бош муҳандис Анорбой Шомуродовдан сўрайди. У ўз навбатида таъмирловчи Абдумажид Қўшоқовни ёрдамга жалб этади. Балонларга дам бериш эса Николай Тихонов зиммасига тушади. Иш поёнига етгач, у дамлаш жойидан ҳаво чиқиб кетмаётганлигини билиш мақсадида энгашади. Меъёрдан юқори босимда дам берилган балон ёрилиб, дискнинг темир халқаси кучли зарб билан Николайнинг бош қисмига қаттиқ урилади. Тан жароҳати олган таъмирловчи шифоҳонада ҳаётдан кўз юмди. Ховос туман Автоомобил йўллари бошқармаси ишчиси Раҳматулло Норқўзиев билан содир бўлган бахтсиз ҳодиса бундан ҳам ачинарли.

Жорий йилнинг 20 феврал кунини Ховос тумани автоомобил йўллари бошқармасига қарашли 540-йўл бўлими бошлиги Пардабой Ҳайдаров тракторчи Ибройим Юнусовга арча кўчатларини Янгйер-Боёвут-Фарҳод ГЭСни автйўлининг 27-километрга олиб боришни буюрди. Юқини у ерда ишчилар Раҳматулло Норқўзиев ҳамда Баҳодир Хушвақовлар кутиб турганди. Арча кўчатларини тушириш учун Раҳматулло Норқўзиев тиркамага чиқди. Оёғини бортага қўйган ҳолда паस्ता турган Баҳодирга кўчатларни олиб бера бошлайди. Эҳтиёткорликни унутган Раҳматулло тиркамадан йиқилиб тушиб, ҳушини йўқотади. Бош миядан олган жароҳати туфайли ҳаётдан эрта кетди.

Одатий ҳолдаги бундай юмушларга эътиборсиз бўламиз. Аммо кўза кунда эмас, кунда синаркан. Шунинг учун ҳар бир ходим аввало ўз хавфсизлигини ўйлаб қўйса, ёмон бўлмасди. **Бобо НИЗОМОВ, Сирдарё вилояти Бош давлат меҳнат техника инспектори.**

ЕРТЎЛАДА... ЯШИРИН ЦЕХ

Молиявий бузилишларга, афсуски, вилоятдаги бошқа корхона ва хўжаликларда ҳам йўл қўйилмоқда. Улуғнор туман давлат солиқ инспекцияси ходимларидан И.Исмоилов ва И.Алматов ақинда «Илк» фермер хўжалигида текширув ўтказиб қизиқ манзаранинг гувоҳи бўлдилар. Фермер хўжалиги раҳбари Хайрулло Тошпўлатовнинг лоқайдлиги билан бу ерда бир миллион сўмликдан кўпроқ муддати ўтган дебиторлик қарзи пайдо бўлганди. Бундан ташқари, хўжалик учун сотиб олинган МТЗ-80 ва ДТ-75 русумли тракторлар ҳамон унинг балансида қирим қилинмаган. Тўпланган ҳужжатлар бўйича Солиқ Кодексининг 135-моддасига асосан фермер хўжалигига нисбатан 2,9 миллион сўм молиявий жарима қўлланилди. Агар фермер хўжалигида ҳисоб-

далилий ашё сифатида рўйхатга олинди ва суриштирув ҳаракатлари бошлаб юборилди. Бу ҳолатни кўриб ҳайрон бўласан, киши. Тадбиркорлик ишлари қўлидан келадиган ватандошларимиз ҳамма ишни қонун йўли билан амалга ошираётган бир пайтда Фозилжонга ўхшаш айёрлар ўзини эгри йўлга уриб жонсарак ҳолатда иш юртиши тўғримиқан. Тикув цехи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганида, солиқлар ўз вақтида тўлаб борилганида Фозилжонга ҳеч қандай хўш ниҳа демасди. Ноконуний хатти-ҳаракат қилганлиги учун яширин цех ёпилди, топган-тутганидан айрилди. Бундай ҳолатлар кимлар учундир сабоқ бўлиши керак. Самарқанд вилояти Оқдарё туман солиқ инспекцияси ходимлари ҳам Лойиш шаҳарчасида яширин ёғ цехи фаолиятга чек қўйилди. Цехни Са-

ҚОНУНИ ҲУРМАТ ҚИЛАЙЛИК ВА УНГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТАЙЛИК!

КОНСТИТУЦИЯ - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Боши 1-бетда).
 - Конституциямизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади қўйилган. Бу йўналишдаги ҳаракатларимизда фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги қандай аҳамиятга эга?

Жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг асосий ютуқ шундаки, инсон тафаккури ва дунёқараши ўзгаряпти, унинг сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий онги юксалапти. Давлатимиз бу борада изчил савий-ҳаракатлар олиб бормоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича миллий дастуриямиз олиб кўрайлик. Ҳеч шубҳасиз, уни ҳаётда тўлиқ жорий этиш фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширади, жамиятда манфаатлар уйғунлигини, мувозанатни сақловчи кучли механизм амал қилишини таъминлайди. Шунингдек, унинг амалга оширилиши демократиянинг асосий тамойили - фуқаронинг танлаш, ўз иродасини эркин билдириш, ўз манфаатларини рўйбога чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқининг қарор топишига хизмат қилади.

Ушбу Дастур билан боғлиқ бир воқеа эсимга тушди. 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди делегацияси Варшавада бўлиб ўтган Европа конституциявий судларининг XI анжуманида иштирок этди. Унинг ишида 23 давлат делегацияси қатнашганди. Анжуманда нутқ сўзлаган Польша Республикаси Президенти А.Квасьневский ва бошқа иштирокчиларнинг чиқишларида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастуриямиз тилга олинди. Агар ҳар бир жамиятда ҳуқуқий маданият янада юксалса, қонун устуворлиги таъминлансагина орзу қилинган демократик, ҳуқуқий давлат барпо этилиши мумкинлиги ҳақида фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг гоёси асосида ишлаб чиқилган ушбу миллий дастуриямизнинг бошқа ҳеч бир мамлакатда мубокиби йўқ. Европада ҳам маъзур дастур эътироф этилганлиги ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган стратегик мақсадларимиз тўғриси эканлигидан далолатдир.

Мамлакат ривожини ва ислохотларнинг бугунги муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ эканлиги ислохотлар чуқурлашгани сари тобора аён бўлмоқда. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, уларнинг қўлланган мақсадларга эришишимизнинг асосий омилдир.

Бироқ ҳамма фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, онги, сиёсий фаоллиги етарли даражада деб бўлмайди. Бу эса кундалик ҳаётда ҳуқуқий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Қўриқатда, биринчидан, ҳар бир фуқаро ҳам ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишининг қонунда назарда тутилган усулларидан фойдалана олмайди. Иккинчидан, қонуннинг моҳиятига ва мазмунига тушунмаслиги туфайли, унда белгиланган мажбуриятларни бажармайди, натижада эса қонунбузарликлар содир этилади.

Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим мукамаллигининг ифодасидир. У жамиятдаги турли хил ҳаётий воқеаларга фаол таъсир кўрсатувчи, кишиларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг бирлашишига қўмақлашувчи, жамиятнинг яхлитлиги ҳамда батарибланигини таъминловчи ва мустақамловчи омилдир.

Қонунни ҳурмат қилиш ва қонунга риоя этиш ҳуқуқий давлатнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизимлар унумли фаолият кўрсатишининг муҳим талабларидан бири ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий маданият умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисмидир. Барчанинг онгидан шундай ишонч қарор топиши керакки, токи ҳуқуқий билимларга эга бўлган ва уларни амалиётда татбиқ эта оладиган кишигина маданиятга ва билимга, деб ҳисобланадиган бўлсин.

Маънавий юксак, маданияти бой инсон ҳеч бир вақт қонунни бузишга интилмайдди, уни ҳурмат қилади, чунки бунга унинг ахлоқи, салоҳияти йўл қўймайди. Инсонларнинг маънавий даражаси юқори бўлган тақдирдагина улар ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт қонуниларини, ҳуқуқий давлат моҳиятини ва унинг инсоният учун адолатли ҳаёт кечиришининг ягона кафолати эканлигини чуқур идрок этади.

- Бу йил Конституциямиз қабул қилинганлигининг 10 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан Бош Қомиссаримизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

Мустақилликка эришиб, эски ҳуқуқий тизим ва социалистик иқтисодиётдан воз кечганимиздан сўнг жамиятимизга қандай ҳуқуқий тизим даркор, у нималарни таъминлаши ва ҳимоя қилиши керак, қандай устуворликларга ургу берилиши, ривожлан-

тирилиши ва ҳимоя қилиниши керак, деган саволлар туғилди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Конституциямиздан жавоб топишимиз мумкин.

Конституция демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини яратишнинг ҳуқуқий асосидир. У халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳофизат этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир. Унда асрлар давомида шаклланиб келган миллий тафаккуримиз, халқимиз томонидан қадрлиниб кел-

ган ҳимоя қилиниши ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши ҳам мустақамланган. Шу тарзда Конституция бир томондан бир ижтимоий-сиёсий тўзумдан иккинчисига ўтилганини мустақамлади ва иккинчи томондан озод, мустақил давлат, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий адолат қарор топган жамият яратилганини қонун йўли билан тасдиқлади. Унда Инсон ҳуқуқлари умумдекларациясидаги барча ҳуқуқлар мужассамлан-



ган меҳр-шафқатлилик, адолатлилик, олижаноблик, барикенглик, мардлик каби юксак фазилатлар ўз ифодасини топган. Мустақил Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ушбу ҳужжатнинг биринчи моддасидан то охиригача мустақиллик гоёси билан сугорилган. Асосий Қонун аввалги конституциялардан фарқли ўлароқ, ўта мафқуралаштириш ва сиёсатлаштириш руҳидан холидир. Қолаверса, у ўзбек давлатчилиги ривожланиши тажрибасига таянади ва айни пайтда бу борадаги халқаро тажрибани ўзида мужассамлаштиради. Унинг 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,

Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради
САВОЛ: 45 йиллик иш стажини билан пенсияга чиққанман. 2002 йил 1 январдан пенсиялардаги чеклашлар бўлмайди, дейилган эди. Лекин мен ҳалиям эски чекланган пенсияни оляпман. Қонунда қайси касб эгаларининг иш стажини имтиёзли ҳисобланади?
А. БОБОХОНОВ,
Юнусобод тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни қўлайтириш тўғрисида»ги Фармонининг 1-қисмида «Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдордан ортиқ қисмини ҳисоблаб чиқаришдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин» дейилган.

Ушбу Фармон билан 2002 йил 1-январдан эътиборан 1993 йил 3-сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг дав-



чисини йўқотганлик пенсияларининг миқдори — пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақининг 40 фоизи билан чеклашлар бекор қилинди. Демак, юқорида айтиб ўтилган қонуннинг 7-моддасига асосан эркакларга тўлиқ миқдордаги ёшга

ларда эркин ёлланганлар таркибиде ишлаган ва ушбу модданинг «а» бандида назарда тутилган хизматдан ташқари ҳарбий хизматда бўлганлар учун икки ҳисса баробарида;

в) ушбу Қонуннинг 10-моддаси «а» ва «б» бандларида («а» — кон санаотидаги етакчи касб эгалари бўлган ходимлар, «б» — бевосита ер ости ва очик кон ишларида, шу жумладан, кон қўтқарув қисмларининг, шахсий таркиби, кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олишда шахталар ва конлар қурилишида тўлиқ иш кўни давомида банд бўлган ходимлар) ҳамда 11-модданин «а» бандига («а» — ер ости ишларида, меҳнат шaroити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда тўлиқ иш кўни давомида банд бўлган ходимлар) мувофиқ имтиёзли шaroитларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган — эркакларда 10 йилдан ортиқ ва аёлларда — 7 йил 6 ойдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун — икки ҳисса баробарида;

г) моховхоналарда, вабога қарши муассасаларда, иммунодефицит вирусини билан касалланган шахслар даволанадиган юқумли касалликлар муассасаларида ишлаганлар учун икки ҳисса баробарида;

д) патологоанатомия муассасалари ва судитибий экспертиза муассасаларининг тиббий ходимлардан айрим тоифаларининг иши бир ярим ҳисса баробарида;

е) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган, асоссиз равишда қатагон қилинган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамқоқда бўлиш ва ҳибсда сақлаш жойларида бўлганлар учун бир ярим ҳисса баробарида.



Қашқадарё вилояти ИИБ ЙХХБ ходимлари транспортлар бехатар ҳаракатларини таъминлашда ўз бурчларини сийқидилдан адо этмоқдалар.

Суратларда: милиция капитани Ю.Иботов; милиция старшинаси Б.Раҳматуллаев ва милиция сержанти Ш.Нурматовлар хизмат пайтида.

лат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддаси учинчи қисмида пенсиялар миқдорини ҳисоблашда ёшга доир ва I ҳамда II гуруҳ ногиронлик пенсияларининг миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақининг 75 фоизи, III-гуруҳ ногиронлигига ва ҳар бир меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларига бериладиган боқув-

дор пенсия тайинлаш учун 25 йил иш стажини таъминлаш учун 27-моддасига асосан талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдориде қўшимча бериледи. Агар эркаклар 45 йил иш стажига эга бўлсалар, бу қўшимча 20 фоизни ёки бўлмаса 48 йил иш стажига эга бўлса, 23 фоизни, 50 йил иш

вор ҳаракатлар даврида партизан отрядлари, қўшилмаларидаги хизмат ва эркин ёлланганлар таркибиде ишлаган, байналмилал бурчни бажаришда жанговар ҳаракатларда иштирок этганлар учун уч ҳисса баробарида;

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЭЪТИБОР

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Фарғона вилоятининг бир қатор туман ва шаҳарларида вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни қўчайтириш, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган семинар-машғулотлар ўтказилди.

Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад жойларда ёшлар ҳаётида учраб турадиган турли муаммоларнинг ечимини топиш, улар орасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари рўй бериши сабабларини ўрганишдир, - деди «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши халқаро алоқалар, ҳарбий ва танларварлик ва спорт бўлими мудирини Т.Арслонов ўЗА мухбирига. - Шунингдек, улғайиб келаётган ёш авлодини Ватанга

муҳаббат, аждодлар аънаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг бўш вақтини самарали ўтишини таъминлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналиши саналади.

Тадбирда жиноятчилик турлари, унинг келиб чиқиши сабаблари ва олдини олиш масалалари юзасидан мутахассислар маърузалари тинланди. Спорт мусобақалари ташкил этилди.

Аммо бу чора-тадбирлар вақтинча ҳолдир.


Кўлдаги фожеа
 Эвенкия округи ҳудудидаги Чириндия кўлида фожеа рўй берди. Бир йўла етти киши — олти ўсмир ва бир қиз қайиқ ағдарилиши оқибатида сувга чўкиб кетган. Қайиқда бўлган бир қизгина қирғоққа чиқиб олишга муваффақ бўлган. Унинг хабар қилишидан сўнг ёрдамга етиб келган одамлар, афсуски, кочиққан эди.

Хозирча фақат 21 ёшли бир қизнинг мурдаси топилган. Қолган олти ўсмирнинг тақдирини ҳозирча номаълумлигича қолмоқда.

КИМСАСИЗ ОРОЛ ТЕВАРАГИДА

Гибралтар бўғозидаги кимсасиз Перехил ороли туфайли Испания ва Марокаш ўртасида юз берган можаро ҳамаси ўт олмай, тинч йўл билан бартараф этиладиган кўринади. Ҳар қалай икки қўшни давлат сиёсатдонлари ўзаро музокара ўтказиб қилишлари яхшилик аломатидир.

АҚШ воситачилигида муҳим келишувга келинди, яъни Перехил оролини илгаригидек дахлсиз ҳудуд сифатида тан олишга қарор қилинди.



САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ЖИНОИЙ ИШ ОЧИЛДИ

Германияга тегишли Боден кўли узра «ТУ-154» ва «Боинг-757» русумли йўловчи ҳамда транспорт самолётларининг осмондаги тўқнашуви натижасида 71 киши ҳалок бўлганлиги юзасидан Швейцария прокуратураси жиноий иш қўзғатди. Бош айбдор, аввалдан тахмин қилинганидек, Швейцариянинг авиадиспетчери. Шунингдек, прокуратура 71 кишининг ҳалок бўлишидан келиб чиққан ҳолда авиакомпанияга нисбатан 71 ҳолат бўйича «эҳтисозлик бўйича қотиллик» деган ибора билан ҳам айблов эълон қилди. Фақат авиакомпаниянинг қай-

си лавозим эгаси жавобгарликка тортилиши ҳозирча номаълум.

УМУМ ИЖТимоий ТАЪМИНОТ УЧУН

Лейбористлар партиясининг сўл оқимига мансуб парламент депутатлари ҳамда уларга маълум касабга уюшма раҳбарлари Лондонда «Муҳолиф партия конференцияси» деб ном олган йиғинда бosh вазир Тони Блэрни танқид остига олдилар. Сўзга чиққанлар ҳукумат фаолиятига баҳо бериб, иқтисодиётнинг давлатга тегишли қисмини хусусийлаштиришга ҳамда ишчи кучини эркин бозор тамойилларига мос равишда белгилашга бўлган уришлар учун кескин қораладилар.

Ҳукуматни шўғина ташвишга солаётгани йўқ. Идора хизматчилари 14 августда яна иш ташлашга ҳозирлик кўрмоқда. Уларни маънавий ва ўт ўчирувчилар қўллаб-қувватлашга ваъда беришган. Аэропорт йўкчилари ва хизматчилари ҳам бу тадбирдан четда қолмасликларини маълум қилдилар.

ТЕЛЕКОМПАНИЯ ТАНАЗЗУЛИ

Американин WorldCom телекоммуникация компанияси ўзини банкрот деб эълон қилди. Бу молиявий можаронинг, табиийки, сабаблари кўп. Энг катта сабаб, бу 2001 йил ҳисоботида 3,8 миллиард доллар миқдорда «хато»га йўл қўйилганлигидир.

Экспертларнинг айтишича, ўз ҳисобига янглишиш компанияси 30 миллиард доллар хажмида қарзга ботиб қолган бўлиши мумкин.

СОҚЧИЛАР ЎЗГАТИРИЛДИ


Афғонистон президенти Ҳамид Карзай шу пайтгача ўзини қўриқлаб келаётган соқчиларини тарқатиб юборди. Энди унинг муҳофазаси АҚШ нинг 46 аскарига ишониб топшириладиган бўлди. Қизғин шундаки, бошқа вазирлар ҳам Карзай йўлини тутишни маълум топмоқдалар. Шу муносабат билан президент баёнот бериб, шундай деган: америкаликлар бизга миллий армиямизни ташкил этишда қўмақлашган эди. Эндиликда президент саройини хафсизлигини таъминлашда ҳам уларнинг қўллаб-қувватлашига сўянадиган

бўлди. Аммо бу чора-тадбирлар вақтинча ҳолдир.

Кўлдаги фожеа

Эвенкия округи ҳудудидаги Чириндия кўлида фожеа рўй берди. Бир йўла етти киши — олти ўсмир ва бир қиз қайиқ ағдарилиши оқибатида сувга чўкиб кетган. Қайиқда бўлган бир қизгина қирғоққа чиқиб олишга муваффақ бўлган. Унинг хабар қилишидан сўнг ёрдамга етиб келган одамлар, афсуски, кочиққан эди.

Хозирча фақат 21 ёшли бир қизнинг мурдаси топилган. Қолган олти ўсмирнинг тақдирини ҳозирча номаълумлигича қолмоқда.



Касаба уюшма тадбири

Хар томонлама етук ва баркамол авлод миллат ишончи, юрт эртаси, келажақ эгасидир. Бинобарин, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, мамлакат шарафини ҳақон микёсида муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлаш, турли мусобақа ва турнирларни ташкил этишда вилоятимиз касаба уюшмаларининг ҳам муносиб хиссаси бор.

этимиздаги бошқа оромгоҳларда ҳам бу каби тадбирлар ўтказилаётир. Чунки оромгоҳларда спартакиадалар ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича касаба уюшмалари вилоят кенгашининг махсус қарори қабул

СЎЛИМ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ажойиб мусобақалар

Касаба уюшмаларининг алоҳида эътибори боис ёшлар ўртасида спорт омавийлашиб, камолот ва чиникиш мактабига айлана бормоқда. Хусусан, спорт тадбирлари вилоятнинг сўлим гўшалари — тоғ ён бағирларида жойлашган 11 та санаторий типидида ҳамда 6 та соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган 15 минг нафардан ортиқ болажонлар ҳаётига ўзгача мазмун ва қувонч бахш этмоқда. Айни кунда иккинчи навбатда дам олаётган болалар сўлим табиат кучида тоза булоқ сувларию шўх булбуллар навосидан баҳра олиш билан бирга бу ерда ташкил этилаётган тўгарак машғулоти ва мусобақаларда фаол катнашмоқдалар. Масалан, яқинда «Бойчечак» оромгоҳида ўтказилган спартакиада болалар хотирасида ёрқин из қолдирди.

ходимлари барча спорт майдончалари, дам олиш жойларини мусобақага шайладилар, болалар оромгоҳ биринчилиги учун баҳсларда ўз гуруҳлари шарафини муносиб ҳимоя қилишга чоғландилар. Дам олувчиларнинг тазквон-до, Турон яккакураши, у-шу, белбоғли кураш, бокс бўйича кўргазмалар чикишлари, ашула ва рақслари кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

Спортнинг 10 тури бўйича икки кун давом этган кизгин баҳсларда 278 нафар бола иштирок этди. Мусобақаларга миллий кураш бўйича тўрт карра Ўзбекистон чемпиони, бир неча халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори, оромгоҳ бошлиғи Баҳром Икромов бош-қош бўлганлиги спартакиаданинг мароқли ўтишини таъминлади.

қилинган. Ана шу муҳим дастур асосида жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг малакали мухтаassisлари оромгоҳларга амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктирилган бўлиб, улар жисмоний тарбия етакчилирига услубий-амалий кўмак беришмоқда.

Энг муҳими, болажонларимизни спортнинг миллий ва оммавий турларига кенг жалб этиш орқали саломатликларини мустаҳкамлашдек долзарб масала вилоятимизда ижобий ҳал этилаётгани фарзандларимизнинг келажақда жисмонан бақувват ва маънан баркамол инсон бўлиб етишишларига замин яратмоқда.

Саидрифт ПЎЛАТОВ,
Тошкент вилояти
касаба уюшмалари
жисмоний тарбия ва
спорт жамияти бўлим
мудир.

Айни кунларда нафақат «Бойчечак»да, балки вило-

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭСПЕРАНТО

Эсперанто-поляк врачлари Лазер Заменгоф томонидан турли тиллар, асосан роман, герман ва славян тиллари элементларидан алоқа воситаси сифатида тузилган эди. «Эсперанто» сўзи поляк шифокорининг тахаллуси бўлиб, у 1887 йили ўз лойиҳасига шундай деб имзо чеккан.

Бугунги кунда бу тил халқаро ёрдамчи тил сифатида ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда биринчи эсперанточилар ҳаракати 1909 йилда вужудга келган бўлиб, кўп ўтмай анча кенгайди. Бу халқаро тил дастлаб Тошкент ва Самарқанд эсперанточилар клубларида ўргатилди.


XX асрнинг эллигинчи йилларида Тошкент олимлари уйда эсперанто тилини ўрганиш курслари ташкил этилди.

Шунингдек, шу йиллари Тошкент трамвай-троллейбус корхонасининг маданият уйида эсперанточилар клуби ишлай бошлади.

Ўзбекистон эсперанточиларининг чет мамлакатлар билан хат ёзиш туришларини тартибга солиш, қўлга киритилаётган ютуқларни тарғиб қилиш мақсадида республика эсперанточиларининг хорижий мамлакатлар билан алоқаларини мувофиқлаштириш комиссияси тузилди.

Ўзбек шоирларининг кўплаб шеърлари, хусусан Алишер Навоий ғазаллари таржима қилиниб, эсперанто тилида чиқадиган журналда ёритилди.

А. АЛИЕВ.



УСТОЗИНИ ХУШНУД ЭТГАН ШОГИРД

Кувончбек эндигина мучал ёшига етди. Аммо у аллақачон ўздан ёрқин из қолдиришга улгурди. Малайзияда бўлиб ўтган теннис бўйича 1991 йилда туғилган болалар ўртасидаги 56 мамлакат вакиллари иштирок этган спорт анжуманида Кувончбек фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Кувончбекка бу зафар чинаямига омад келтирди. Уни бугунги кунда Ф.Хўжаев ту-

ман халқ таълими бўлимига қарашли 3-мактабда ҳамма танийди. Тинимсиз машқ ва ўз устида ишлаш ютуқларга асос бўлаётир. Мактаб директори, тажрибали педагог Назокат Широнова илмгоҳ фахрига айланган Кувончбекка алоҳида эътибор билан қарайди, у билан фахрланади.

Суратда: Кувончбек устози Назокат Широнова билан.



ЖАВОҲИРЛАР САНДИФИДАН

Ғазаб ақлни, ҳасад иймонни, таъма ҳаёни, ғийбат солиҳ амални кетказади.

Аҳмоқнинг аломати тўрттадир: гуноҳларини унутди, яхшилигини зикр қилади, мол дунёга ўздан юқориға қарайди, дини дёнатда қўйиға боқади.

Барча хатоларнинг асоси дунёга муҳаббат, барча фитналарнинг асли зикналиқдир.

Уч нарсага уч нарса билан эришиб бўлмайди: бойликка умид билан, ёшликка зийнат билан, саломатликка лоқайдлик билан.

Маънавиятимиз сарчашмалари

«Авесто»да ўзаро иқтисодий муносабатларда аҳдида туриш, берилган сўз (ваъда)нинг устидан чиқиш, қасамга содиқ бўлиш, савдо-сотик ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилиш, омонатни, яъни қарзни ўз эгасига вақтида қайтариш иймонлилик ва дийнатлилик эканлиги талқин қилинади. Ва икки хил мажбурият тан олинади.

уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдор...»
«Вандидод»нинг 13-14-бобларида киши-

икки соҳилида бандларим боғу роғлар барпо этсин, зироат экиб, бепонд бугдойзорлар бунёд этиб, кенг яйловлар очиб, чорвачиликни ривож-

«АВЕСТО»ДА ИҚТИСОДИЙ МАЖБУРИЯТЛАР

Биринчидан, тантали равишда қасам ичиш «Варуна» деб аталиб, бунга кўра киши бирон иқтисодий мажбуриятни олиши ёки олмаслиги тушунилган. Иккинчидан, бу битим ёки шартнома ҳисобланган, у Митра деб аталган, бунда томонлар ўзаро манфаатдорлик нуқтаи назаридан бирон иқтисодий муносабатлар тўғрисида келишишган. Икка ҳолда ҳам куч ичилган қасамда яширинган бўлиб, у илоҳий деб ҳисобланган. Бу илоҳий куч мажбурият ва шартномалашган одамга ҳамкорлик қилади, ўз сўзига қатъий бўлган кишини қўллаб-қувватлайди. Қасами ва сўзида турмаган кишини эса жазолайди. Берилган сўз, олинган мажбурият, унда қатъий туриб қасамни бажариш ва бировдан олинган қарзни эгасига қайтариш зардуштийлик эътиқоди бўйича жуда ҳам қадрланган: «Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйда сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники,

деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир». «Авесто»да талқин этилишича, инсонда олиши ёки олмаслиги сифатида меҳнат қилиш, моддий неъматлар яратиш ва ишлаб чиқариш қобилияти мавжуд. Инсон бу қобилиятни ишга солмас экан, у инсоний қиёфасини йўқотади, ваҳшийлашади, ёвузлашади. Шу боис меҳнат инсон баркамоллигининг асосий шарт бўлиб, унинг маънавий хулқ-атворини баҳолашда ўлчов мезони сифатида хизмат қилади. Ноз-неъматлар яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз қўли билан моддий бойлик яратиши зарур. Бинобарин, Зардушт таълимотига кўра, деҳқончилик меҳнати эзгулик намоен бўлишининг асосий шакли, Ахура-Мазда шахсиятида муҳим ҳисобланган иқтисодий қонунга бўйсунушдир. Бу қонуннинг баъжарилиши ўз аҳамиятига кўра ўн минг марта дуо ўқиш, юзлаб қурбонлик қилишдан афзал ҳисобланган. Экин экиш ер юзида ёвузликларга барҳам бериш демакдир: «Олам гўзаллиги деҳқонлардан, деҳқончиликдан, кимки ерга

ларни ердан унумли фойдаланиш, ифлосланишдан сақлаш, экинни суғорганда сувни тежаш ҳақидаги ҳуқуқ ва бурчлар, уларга риоя қилмасликнинг ҳуқуқий оқибатларига алоҳида ўрин ажратилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, сув манбалари атрофида ҳар хил матоларни ювиш, мол боқиш, туя ва отларни боғлашга руҳсат этилмаган. Бирон киши ариқ сувини ифлослантирса, у «25 қамчин калтаклаш» билан жазоланган. «Авесто»да дарёлар, каналлар, сув шохобчалари ҳақида, ёрнинг мелиоратив ҳолатини сақлаш борасида қимматли фикрлар баён этилганки, бундай далиллар ва иқтисодий ўғитлар бошқа бирон-бир манбада учрамайди. Жумладан, «Ахура-Мазда етти Тангридан бири, Ардвисура-Анахитани тўрт оқ от қўшилган файтуни билан заминга йўллар экан, унга оламдаги «энг юксак тоғ» - Хукардан оқиб келадиган, минг анҳору минг шохбачали «суви энг муқаддас ва энг пок» дарёи Фароҳи Карт (Амударё)ни ўз хумкига олишни топширади. Чунки Амударёни «Тангри Ахура-Мазда

лантисин» деб яратган. Шунинг учун ҳам «чўлга сув чиқариб, ёрнинг шўрини ювиб, захини чоңириб, ерга ишлов берганлар» энг муътабар инсонлар ҳисобланади.

Энг муҳими шундаки, «Авесто»да «Инсон бутун умри давомида ер, сув, олов, ҳавони, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни бус-бутун ва покиза асрашга мажбурдирлар... Ер, сув, олов, ҳавони эъзозлаш қоидаларини бузган ҳар бир инсон 400 қамчи калтаклаш жазосига маҳкум этилажақ», дейилади.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто»да талқин этилган иқтисодий мажбуриятлар, чорвани кўпайтириш, ердан унумли фойдаланиш, сувни тежаш ва уни қадрлаш, мўл дун-дун етиштириш моддий таъминот манбаи эканлиги тўғрисидаги иқтисодий қарашлар уруғ жамоасининг иқтисодий турмуш шароитини яхшилашга ва моддий фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

Тангриберди ТЎСЖОНОВ,
Солижон ҲАСАНОВ,
профессорлар.

Вилоят ҳокимлиги архив бўлими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори асосида ишни ташкил этиб, озодлик душманлари томонидан қатагон қилинган бир неча жабрийдаларни аниқладилар.

Тоғай шоир 1909 йилда Чирочқи туманидаги Бешчашма жамоа хўжалигининг Араббанди қишлоғида туғилган. Тинч меҳнатда ижод нашъасини суриб юрган ижодкорнинг бошида қора булут айланди. 1947 йилда 1.5 килограмм бошоқ ўғирлади, деб узоқ Сибирга сургун қилинган. Шимолнинг қаттиқ совуқлари соғлигига катта путур етказган. Шу боис у 1954 йилда вафот этган.

Хозирги пайта ўғли Шомурод Тоғаев етук

шоир, халқ бахшиси. Унинг ҳикоя қилишича 1947 йил бугдой пишиги вақтида отаси билан Қайқи қишлоғи далаларига бугдой теришга чиқади. Не машақатлар билан бошоқ йиғиштириб олишга, тозалаб ёргучоққа тортадилар. Шунда тўсатдан 2 та отлик келиб уларни қамоққа олади.

Ботқоқлик, ноқўлай об-ҳаво, оғир меҳнат оила аъзолари кўпчилигининг умрига зомин бўлди. Шомурод бахшининг 2 та опаси, онаси ва укасининг хоки-лойи Россия тупроғида қол-

ди. Отаси билан она юртга қайтиб келган ёш Шомурод бошидан кўп қийинчиликларни кечирди. Оғзи ошга етганда отаси ҳам ҳаётдан кўз юмди.

Халқ душманларининг ноқонуний хатти ҳаракатлари туфайли қанча-

оқланади ва 1957 йилда ўз юртига қайтади. Қишлоқда уни яхши ҳабарлар кутмаётганди. Оиласи, фарзандларини излаб тополмади. Кейинчалик бошқа турмуш қуриб, умр йўлдоши билан аҳил яшади. Унинг 4 қизи, 22 нева-

1937 йилда қулоқ қилиниб, ҳибсага олинган ва қийинчиликларга дош беролмай қамоқхонада вафот этган.

Шу тумандаги Бошчарбоғ қишлоғидан Ражабали Мамасодиқов ҳам 1927 йилда чорвадор бой сифатида

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

дан-қанча илғор фикрли ҳамюртларимиз қатагонга учради. 1917 йилда Бешкент қишлоғида туғилган Амин Фаниев 1937-38 йилларда Галла ўғирлади деган айб билан қамалади. Узоқ Сибирнинг Магадан шаҳрида сургунда бўлган Амин бобо Сталин вафотидан сўнг

раси, 42 чевараси бор. Қарши туманининг Нукрабод қишлоғида Қурбон Саидов, Ниёзмуддин қишлоғида Йўлдош Сафаровлар ҳам тухмат билан кўп йилга қесилдилар. 1887 йилда Деҳқонбод туманининг Навкабир қишлоғида туғилган Малла Менглиев

қулоқ қилиниб, молмулки мусодара этилган. Ғузур туманининг Афғонбой қишлоғида яшаган Саидхожи Муродов маълумотли киши бўлган. Бухородаги мадрасаларда таълим олган. Ғузур тўрасини ҳақорат қилгани учун

Қатагон қурбонлари

таъкибга учраб аввал Бойсунда, кейин Шерободада яшаган. Кейинчалик Афғонистонга ўтиб кетган ва у ердан қарвонлар билан муқаддас Ҳаж сафарига қатланган. Маккада 3-4 йил яшаган.

1920 йилда дастлаб Тошкентга, ундан Бухорога келади. Кейинчалик она юрти Ғузорга қайтиб деҳқончилик билан шуғулланади. 1937 йилда Файзулла Хўжаевнинг думи деб қамоққа олинади ва орадан бир йил ўтгач отиб ташланади.

Давлат архиви ходимлари Қарши шаҳридан Қосимжон Шерматов, Нуриддинбек Аҳмадjon ўғли, Шаҳрисабздан Муаззам Кур-

бонова, Қодир Боқиев, Остон Эшмуродов, Эргаш Назаров, Саттор Омонов каби қатагон қурбонларининг ҳаёт йўли ҳақидаги материалларни тўпладилар.

Юртбошимиз томонидан 31 августни Тошкентга, ундан Бухорога келади. Кейинчалик она юрти Ғузорга қайтиб деҳқончилик билан шуғулланади. 1937 йилда Файзулла Хўжаевнинг думи деб қамоққа олинади ва орадан бир йил ўтгач отиб ташланади. Давлат архиви ходимлари Қарши шаҳридан Қосимжон Шерматов, Нуриддинбек Аҳмадjon ўғли, Шаҳрисабздан Муаззам Кур-